



ЁРУҒ КУНЛАРИНГИЗГА СОЯ СОЛМАНГ!

СОБИР 27 ёшга тўлди. Айти навқирон ёш, тўғрими? У ортда қолаётган умрини зое ўтказмади. Олий маълумотли бўлди, маълумоти бўйича ўз ишини бошлади, оила курди. Булар айти Собирнинг ёшидаги йигитлар ҳавас қилса арзигулик натижалар, нима дедингиз? Ҳаёт тарзи ўз маромида, таъбир жоиз бўлса, фақат олға қараб силжиётган Собир нима бўлди-ю жиноят кўчасига қараб от солди.

Гап шундаки, Собир одатдаги кунларининг бирида ўқиб юрган кезларида ўзидан бир курс пасда ўқиган, яқиндан таниш бўлиб қолган Малоҳат билан учрашиб қолади. Суҳбат орасида Малоҳат бу йил жиянини ўқишга киритмоқчилигини айтиб, Собирдан маслаҳат сўраган бўлди. Собир ҳам ундан “қимматли” маслаҳатларини аямади...

Орадан бир неча кун ўтиб Малоҳат Собирга кўнғироқ қилиб, “жияннинг иши нима бўлди?”, дея сўрайди. Собир бу сўроққа ҳеч иккиланмасдан ҳаммасини гаплашиб қўйганлигини, ўқишга кириш масаласида муаммо бўлмаслигини айтиб, гап орасида мазкур ишнинг “нархи”ни ҳам қистириб ўтади. Ўзаро келишувга кўра, Малоҳат жияни, яъни ўқишга киришга тараддуд кўраётган Манзурани Тошкентга олиб келади. Уларни кутиб олган Собир Манзуранинг ўқишга ҳужжат топширишида ўзи бош-қош бўлиб турди.

Ҳужжатлар ҳам Тошкентдаги энг нуфузли олий-гоҳлардан бирига топширилди. Энди энг асосий масала “олди-берди” ишини битириш керак. Шунга ишора қилган Собир хола-жиянга юзланади. Малоҳат икки-уч куннинг ичида пулни олиб келишини айтади. Шу билан улар илиқ хайрлашиб, ўз манзиллари томон кетишади.

Малоҳат келишилган кундан бир кун аввал Собирга яна сим қоқади. “Эртага тоғам билан бормоқчи эдик, тоғамнинг ўзи ҳам Сиз билан учрашиб гаплашмоқчилигини айтаяпти”, дейди. Собир бунга ҳам рози бўлади. Эртаси куни тоға бўлмиш Сапарбой ака Малоҳат ва Манзурани олиб Тошкентга келади, келишув жойида уларни Собир кутиб олади. Малоҳат тоғасига Собирни таништиради. Собир билан яқиндан танишиб олган Сапарбой ака мақсадга ўтади ва Собирдан “нарх”ни биров туширишни сўрайди, Собир эса бу ишнинг харажати кўплигини айтиб, келишилганидан пастга тушишнинг иложи йўқлигини маълум қилиб, яна қўшимча қилади “пулни олдиндан берасизлар, пул менда туради. Жиянингиз ўқишга кирса пул менда қолади, киролмаса пулни тўлиғича ўзингизга қайтараман”, дея гапнинг пўсткалласини айтди-қўйди. Сўнги келишув ҳам шу бўлди.

Тест бошланишига уч-тўрт кун қолганда Сапарбой ака келишилган 25 000 АҚШ долларини ўз “эгаси”га топшириш учун Тошкентга Собирнинг олдига келади. Собир “ғойибдан” келган пулларни қабул қилиб олиш жараёнида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Сирдарё вилояти бошқармаси ходимлари томонидан жиноят устида қўлга тушади...

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг очиқ суд мажлисида Собирнинг жиноий қилмиши кўриб чиқилди. Ва ўз ўрнида унга тегишли жазо тайинланди.

Бизнинг мазкур жиноят иши тафсилотларини қоғозга туширишимиздан мақсад айти кунларда юртимиздаги олий ўқув юртларида қабул жараёни кетмоқда. Ўз-ўзидан аёнки, айти шу вазиятда мақоламиз “қаҳрамони”га ўхшаган “ҳожатбарор”лар ҳам кўпайиб қолади. Биз бор-йўғи Сизларни огоҳликка чақирмоқчимиз. Ўзгага пора бериб ёхуд пора олиб ёруғ кунларингизга соя солманг! Зеро, сўнги пушаймонлик ҳам Сизга озодлик беролмайди.

Мирзиёд АБИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди судьяси,
Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири